



**BUXORO DAVLAT
PEDAGOGIKA
INSTITUTI**

**BUXORO DAVLAT PEDAGOGIKA
INSTITUTI**

TA'LIM TRANSFORMATSIYASI

ILMIY – METODIK JURNAL

№. 1

BUXORO – 2026

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Нажмудинов Халим Гулямович, Бухоро давлат педагогика институти,
“Математика ва информатика” кафедрасининг доценти, физика – математика фанлари номзоди,
Khalim52@mail.ru +998914412180

Шамсиева Маишура Фахриддиновна, Бухоро давлат педагогика институти,
“Таълимда ахбарот техноложиялари” 1-боскич магистранти,
shamsiyevaxolida3@gmail.com + 998 93 738 52 25

Мазкур мақолада олий таълим муассасаларида талабаларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган асосий рақамли таълим технологиялари; жумладан онлайн курслар, гамификация, веб-квест, мобил алоқа воситалари, булутли технологиялардан фойдаланиш уларнинг аҳамияти ва вазифалари, кўрсатилган. Таълим соҳасида турли хил рақамли технологияларни қўллаш, талабаларни ҳар томонлама ривожлантириши, уларда амалий кўникмаларни ҳосил қилиши, ўрганишга бўлган мотивацияни ошириши, шунингдек ўқитувчиларнинг ишини осонлаштиришга қаратилган айрим фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: рақамли технология, инновацион ўқув технологияси, мотивация, мобилли алоқа воситалари, онлайн курс, веб-квест, гамификация, интернет ресурслари, таълим - тарбия, аудитория машғулотлари, талаба, ўқитувчи, педагогик жараёнлар.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

Наджмудинов Халим Гулямович, Бухарский государственный педагогический институт,
Доцент кафедры «Математика и информатика»,
кандидат физико - математических наук.
Khalim52@mail.ru +998914412180

Шамсиева Маишура Фахриддиновна, Бухарский государственный педагогический институт,
магистрант 1 курса, «Информационные технологии в образовании»
shamsiyevaxolida3@gmail.com + 998 93 738 52 25

В данной статье описаны традиционные и современные направления применения цифровых технологий в высших учебных заведениях. Указаны возможности цифровых технологий в образовательном процессе и определение их преимуществ, к которым относятся наглядность, доступность, ориентирование на индивидуальные способности студентов. Различные цифровые технологии в образовательном пространстве направлены на всестороннее развитие обучающихся, развитие у них практических навыков, повышение мотивации к обучению, а также упрощению и удобству работы преподавателей.
Ключевые слова: Цифровые технологии, инновационные технологии, мотивация, мобильное пространство, веб-квест, онлайн-курс, гамификация, образовательное пространство, Интернет-ресурсы, онлайн-обучение, учебная работа, студент, преподаватель, аудиторные занятия, педагогические процессы.

THE USE OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Najmudinov Halim Gulyamovich, Bukhara State Pedagogical Institute, Associate Professor of the Department of Mathematics and Computer Science, Candidate of Physico-Mathematical Sciences.
Khalim52@mail.ru +998914412180

Shamsieva Mashkhura Fakhriddinovna, Bukhara State Pedagogical Institute, 1st year Master's student, "Information Technologies in Education"
shamsiyevaxolida3@gmail.com + 998 93 738 52 25

This article describes the traditional and modern areas of application of digital technologies in higher education institutions. The possibilities of digital technologies in the educational process and the definition of their advantages, which include visibility, accessibility, orientation to the individual

abilities of students, are indicated. Various digital technologies in the educational space are aimed at the comprehensive development of students, the development of their practical skills, increasing motivation to learn, as well as simplifying and making the work of teachers easier.

Key words and concepts: Digital technologies, innovative technologies, motivation, mobile space, web quest, online course, gamification, educational space, Internet resources, online learning, academic work, student, teacher, classroom classes, pedagogical processes.

Кириш.

Таълим-тарбия жараёнининг глобаллашуви туфайли миллий таълим тизимига қўйиладиган янги талаблар тўплами доим шаклланиб бормокда. Бу жараёндаги асосий талаблардан бири бу аниқ ва тез ўзгарувчан бозор ихтисодиётида ишлаш қобилиятига эга бўлган шахсни тарбиялашдир. Ахборот технологияларининг кескин ривожланиши даврида рақамли таълим технологияларидан фойдаланишда орқада қолиш, таълим сифатининг кескин пасайиши ва жамият эҳтиёжи, талабларини қондира олмаслик каби қониқарсиз салбий натижаларга олиб келиш хавфини туғдиради. Эскича усулдаги билимлар асосида ишлайдиган ўқитувчилар билан, ҳар куни миқдори ва сифати жихатдан доимий равишда ошиб борятган рақамли технологиялардан фойдаланадиган ўқитувчиларнинг билимлари ва педагогик маҳоратлари ўртасида катта фарқ бор.¹³ Ҳар кунда ортикча бандлиги туфайли ўқитувчилар шиддат билан ўзгариб бораётган жорий ахборот технологиялари тенденцияларини кузатиб бориш учун вақт топа олмайдилар. Улар куннинг биринчи ярмида аудитория машғулотларини ўтказишлари керак, куннинг иккинчи ярмида эса таълим вазирлигидан ўз ваколатлари доирасида келаётган янги талабларни ҳисобга олган турли сўровлар, ва ўқув жараёнида синовдан ўтказилиши керак бўладиган, ўқув услубий мажмуаларни (УМК) ишлаб чиқишлари талаб этилади. Рақамли технологиялардан фойдаланиш ўқитувчилар ва тарбияланувчилар ўртасида мулоқотдаги мураккаб тушунчаларни соддалаштиради.

Таълим жараёнидаги рақамли технологиялар - кенг маънога эга тушунчадир, чунки у нафақат аудитория машғулотларини, балки масофавий таълим ёки кўпчилик таъкидлаганидек компьютер билан ишлайдиган талабалар ишини ҳам ўз ичига олади.¹⁴ Таълим жараёнидаги рақамли технологиялар, ахборот технологияларидан фойдаланиш, таълим - тарбия билан бирга, ташкилий босқичлар яъни (электрон кундаликлар, ўқитувчилар билан суҳбатлар, талабалар билимини назорат қилиш ва бошқариш ишлари) каби барча соҳаларни ҳам назарда тутати. Рақамли технологик янгиликлар турли хил таълим муассасаларига: мактаблар, коллежлар, лицейлар, университетлар, ўқув курслари ва бошқа жараёнларга ўз таъсирини кўрсатади. Рақамли таълим технологиялари - бу ўқув материалининг кўргазмалиги ва осон узлаштирилишини таъминлайдиган соддалаштирилган электрон тизимлардан фойдаланишга асосланган, ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион усули.¹⁵

Мавзунинг долзарблиги. Олий таълим муассасаларида дарсларнинг барча шакллари жуда муҳим жараёнлардан ташкил топган. Талабаларнинг мустақил ишлашга ундовчи машғулотларнинг ҳажми кундан – кунга ортиб бормокда. Европа ва Америка олий таълим тизимларида талабалар аллақачон рақамли технологияларга таянган ҳолда керакли маълумотларни мустақил излашга, уни тизимлаштириш ва таҳлил қилишга ўргатилган.² Бизнинг мамлакатимизда эса ҳали ҳам кўп миқдордаги ўқув материалларни тайёр ечимлари ўқитувчилар томонидан тўғридан тўғри баён қилинади. Бу эса талабаларнинг янги билимларни ўрганишдаги имкониятларини чегаралаб қўяди. Замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш ўқув жараёнининг сифати, самарадорлигини оширади, шунингдек талабалар орасида мамлакатлараро норасмий белгиланган ижтимоий меъёрий

¹³ Нажмуудинов Х.Г., Нажмуудинова М.Х.; Применение информационных технологий в непрерывном образовании взрослых // Наука и образование сегодня. №3(50), 2020. С.6-8

¹⁴ Нажмуудинов Х.Г. «Укитишда ахборот технологияларини куллашнинг айрим жихатлари» // Замонавий таълим - журнали 2021 йил №7 (104) 21 – 28 Бет.

¹⁵ Нажмуудинов Х.Г. «Сиртки курсларда талабаларни укитиш сифатини ошириш йуллари ва воситалари» // Замонавий таълим - журнали 2022 йил.

№9 (113) 20 – 28 Бет.

қоидалар қаторига уларни муваффақиятли қўшилишига имкон беради. Рақамли технологиялар ўқув жараёнини дифференциаллашувига, яъни табақалаштиришга, уни ҳар бир талабанинг эҳтиёжларига мос равишда йўналтиришга, уни ўзлаштириш даражасига тўғри келадиган вазифаларни беришга ва шу билан таълим сифатини оширилишига шароит яратиб беради.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили.

Олий таълим муассасаларида юқори самарадорлик ва таълим тарбия масалаларини замонавий йўл билан ҳал қилиб, касбий билимдонликни оширишга эришишда ўқитиш жараёнида турли шакл ва усуллардан фойдаланиш асосий роль ўйнайди. Актив ўқиш, ўрганиш пайтида талаба пассив ўқишга қараганда кўпроқ ўқув фаолияти субъекти сифатида ишлайди, ўқитувчи билан мулоқотга киришади, билим олиш жараёнида фаол иштирок этади, бунда у ижодий, изланиш, интеллектуал билим захирасини ишлатиб муаммоли вазифаларни бажаради.

Ўқитишда рақамли технологиялардан фойдаланиш усуллари кўпроқ шахсга йўналтирилган ёндашувга мос келади, чунки улар биргаликда ўрганишни (жамоавий, ҳамкорликда ўқишни) ўз ичига олади, бунда талаба ҳам, ўқитувчи ҳам ўқув жараёнининг субъекти ҳисобланадилар. Ўқитувчи кўпинча фақат ўқув жараёнининг ташкилотчиси, гуруҳ раҳбари, муаммони осонлаштирувчи шахс, ўқувчиларнинг ташаббускорлигини ошириш учун шароит яратувчи субъект вазифасини бажаради.³

Рақамли технологиялар ёрдамида аудитория ва мустақил машғулотлар шундай савияда ўтказиладики, бунда талабалар бир-бирлари билан ўзаро алоқада бўлиб, маълумот алмашадилар, муаммоларни биргаликда ҳал қиладилар, вазиятларни моделлаштирадилар, бошқаларнинг ҳаракатларини ва ўзларининг хатти-ҳаракатларини баҳолайдилар. Ўқитувчи эса талабаларни ўз муваффақиятини, интеллектуал билимдонлигини ҳис қилиши учун қулай - комфорт ўқув шароитини яратади, бу эса жараёнининг ўзини самарали қилади.

Мақоланинг илмий янгилиги сифатида олийгоҳ талабалари ва катта ёшдаги сиртки тингловчиларни ўқитиш жараёнида рақамли технологиялардан қайси вақтларда ва қанақа тизимларда фойдаланиш самарали бўлади, қайси ҳолларда у ёки бу усулдан фойдаланиш кўпроқ дарсга бўлган қизиқишни ошириши тўғрисида, мустақил мавзуларини анъанавий ва замонавий турларини ташкил қилиш тўғрисида баъзи кузатув ва янгича ёндашувлар муҳокама қилинган. Аудиторияда талабаларнинг юқори фаоллигида улардаги гаджетларни таъқиқлаш эмас балки ўқув билим олиш воситаси сифатида, улар иштирокида дарс ўтказиш хиллари кўрсатилган.

Тадқиқотнинг мақсади Олий таълим муассасаларида рақамли технологиялардан фойдаланиш усулларни самарали томонларини муҳокама қилиб, унинг узлуксиз таълимдаги мустақил ишлар ва аудитория машғулотларини ўрни тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро давлат педагогика институти ва Бухоро давлат университетидаги кўп йиллик таълим жараёнида ўтказилган кузатув ва муаллифнинг шахсий тажрибаси асос қилиб олинган.

Тадқиқотда кузатувчанлик, хулосалаш, тизимлилик, қиёсий-манتيқий таҳлил, ва кўп йиллик тажриба натижалари олинган.

Тадқиқотнинг эмпирик манбаини тест синовлар натижалари семинарлардаги активлик ва, кузатувлардан олинган хулосалар ташкил этди.

Асосий қисм.

Ҳар қандай соҳада малакали компитентли мутахассисни замонавий рақамли технологияларидан фойдаланмасдан туриб тайёрлаш мумкин эмас. Рақамли воситалардан фойдаланиш талабанинг ўқув жараёнининг фаол субъектига айланиши учун шароит яратишга ёрдам беради. У пассив идрокдан фаол ҳаракатларга ўтади ва вазифаларни бажаришда актив иштирок этади. Таълим тизимида рақамли технологияларни ривожлантириш зарурлигининг асосий сабаблари орасида кўплаб тадқиқотчилар аудиториядаги машғулотлар ҳажмининг қисқариши ва талабаларнинг мустақил ишлари улушининг кўпайишига деб ҳисоблайдилар.⁴ Шу сабабли, таълим сифатини сақлаб қолиш ва яхшилаш мақсадида рақамли таълим технологиялари фаол жорий этилмоқда, бу эса ўқишдаги баъзи камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида ўқитувчи ва талабанинг ўзаро мулоқот таъсирини кучайтиради. Талабаларни тайёрлашда рақамли технологияларнинг имкониятлари

орасида қуйидагилар қайд этилган:

- топшириқларни бажариш ва материалларни ўрганиш ихчамлигини (мобильность) ошириш;
- талабаларнинг ўқув жараёнига жалб этилиши, мотивацияси ва қизиқишини ошириш;
- ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, мустақиллик ва билиш жараёнини фаоллаштириш;
- материалларнинг кўргазмалигини ташкил қилиш ва қизиқарлилик даражасини ошириш;
- талабалар, ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасидаги алоқани соддалаштириш;
- талабаларга топшириқни бажаргандан сўнг тез орада натижаларни таҳлил қилишга имкон бериш;
- ўқитувчилар ва талабалар учун ҳужжатлар қоғозбозлигини камайтиради;
- катта ҳажмдаги маълумотларни, шу жумладан ўқув курсидан ташқаридаги маълумотларни кўриш, қизиқиб ўрганиш мумкин;
- масофавий технологиялардан фойдаланиш ва интернетга уланган дунёнинг исталган нуқтасидан туриб билим олиш имконияти туғилади;
- турли хилдаги онлайн ўқув курсларидан фойдаланиш мумкин.

Ушбу рақамли технологиялар имкониятларидан ҳозирги вақтда қуйидаги коммуникацион ўқитиш усуллари ёрдамида фойдаланиш мумкин:

1. Мобил алоқа орқали ўқитиш.
2. Булутли технологиялардан фойдаланиш
3. Онлайн курслар орқали ўқитиш
4. Гамификация ва веб-квест ўқитиш усуллари ⁵

Ҳозирги вақтда ўқув - таълим соҳасида мобил алоқалар технологияси энг кўп талаб этилади. Янги ҳақиқатга мослашиш – масалан, талабаларга аудиторияда уяли телефондан фойдаланишни тақиқлаш ўрнига, ўқитувчилар гаджетни қандай қилиб қизиқарли ўқув жараёнининг бир қисмига айлантиришга ҳаракат қиладилар. Ундан фойдаланиш туфайли энг қулай ва самарали тарзда биргаликда ишлаш ва билимлар билан ўзаро алмашиниш мумкин. Ўқув жараёни субъектлари симсиз тармоқлар ёрдамида, қўлда ишлайдиган шахсий компьютернинг инфрақизил функциялари ёрдамида, талабалар гуруҳи ичида мобил курилмаларини биргаликда ишлатиш ёрдамида, масофадан туриб материал алмашинишлари мумкин.⁵

Булутли технологиялар қулай тармоқли имкониятларга эга, улар минимал бошқарув ҳаракатлари ёрдамида катта ҳажмдаги ахборотларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан бирга бу технология ёрдамида маълумотларни йиғиш, ишлов бериш ва тарқатиш ишларини амалга ошириш мумкин. Ушбу технологияларга таяниб ўқитувчилар билан талабалар ўртасида гуруҳлар ва жамоалар амалий машғулотларини масофадан туриб ўтказиш мумкин.⁶

Масалан, кичкина бир гуруҳ учун тадқиқот лойиҳаларини, ҳисоботларни, тақдимотларни яратишимиз мумкин, бунда ҳар бир талаба ўқув ишнинг ўз бўлими учун жавобгардир, лекин айна пайтда бошқа блокларни таҳрирлаши ва ўзгартириши ҳам мумкин.

Масалан, кичкина бир гуруҳ учун тадқиқот лойиҳаларини, ҳисоботларни, тақдимотларни яратишимиз мумкин, бунда ҳар бир талаба ўқув ишнинг ўз бўлими учун жавобгардир, лекин айна пайтда бошқа блокларни таҳрирлаши ва ўзгартириши ҳам мумкин.

Ҳар бир талаба томонидан киритилган ўзгартиришлар умумий ҳужжатда синхронлаштирилади. Булутли технология масофавий таълим асосида қўлланилиши мумкин.

Масалан, университетнинг электрон тизимидаги ўқитувчи топшириқлар, амалий ишлар ва бошқа ёзма топшириқларни жойлаштириши мумкин, бу ерда талабанинг вазифаси ўқитувчи томонидан яратилган ҳужжатдаги машқларни бажаришдир. Бу қуйидаги турдаги вазифалар бўлиши мумкин: матндаги жадвал ёки бўшлиқларни тўлдириш ёки саволларга жавоб бериш ёки фикрни давом эттириш. Ишни бажариш давомида, ўқитувчи топшириқларни текширади, чунки у ҳужжатга

4. Померанцева Н.Г., Сырина Т.А. Особенности формирования иноязычной социокультурной компетенции средствами онлайн курсов // Азимут научных исследований: педагогика и психология. 2017. Т. 6. № 4 (21). С. 167-170.

5. Вишневецкая Г.В. Технологический подход в педагогическом процессе высшей профессиональной школы // Известия Пензенского государственного педагогического университета им. В.Г. Белинского. 2008. №6 (10). С. 235-239

кириш ҳуқуқига эга. Шундай қилиб, ушбу технология инклюзив таълимга асосланган бўлиб, унда ўқув жараёнининг ҳар бир субъекти планшет, компьютер, ноутбук, смартфон ва бошқалар каби шахсий техник воситалардан фойдаланиш имкониятига эга. Онлайн курслар - ушбу технологиянинг ўзига хос хусусияти ва афзаллиги шахсга мўлжалланган йўналишдир. Машғулотлар талаба учун исталган қулай вақтда амалга оширилади, бунда у энг қулай, тушунарли шаклда ва турли соҳаларда малакали таълим олиш имкониятига эга бўлади. Онлайн таълим синхрон ва асинхрон деб номланган икки хил шаклда амалга оширилиши мумкин. Синхрон ўқув жараёни ўқитувчи ва талабани аниқ маълум бир вақтда жалб қилишни ўз ичига олади ва асинхрон ўрганиш талабанинг ўзи учун қулай бўлган ҳар қандай вақтда ўрганишини ўз ичига олади, яъни, ўқитувчи курсни ишлаб чиқади ва уни интернет платформасига қўяди ва талабалар тақдим этилган материал билан танишадилар ва ўзларида қулай вақтга қараб топшириқларни бажарадилар. Бу ерда очик онлайн курслар узлуксиз ўрганиш ғоясининг давоми сифатида ёрдамга келади. Уйдан чиқмасдан ва қулай вақтда, одам ўз қизиқиш соҳаси бўйича қўшимча маълумот олиши мумкин. Уни ҳеч ким чекламайди: у хатто бутун умр янги - янги курсларни ўрганиши мумкин. Ушбу технологиянинг афзаллиги шундаки, талабалар ўзларининг шахсий қобилиятларига асосланиб, материални ўрганишга қанча вақт ажратишлари ва ёдлашлари керак бўлса, шунча шуғулланадилар, шунингдек мавзунини мустақамлаш учун исталган вақтда ўтган материалга қайтиб такрорлашлари мумкин.

Рақамли технологиялар, шунингдек, ўйин шаклини бериш орқали ўқув жараёнини янада қизиқарли қилиш имкониятини беради. Бунга «гамификация» дейилади (инглизча Game- ўйин), унинг

хусусиятлари рақобатбардошлик; турли даражадаги қийинчиликлар;

ютуқлар рейтинг; очколарни ҳисоблаш ва рағбатлантириш. Гамификациянинг, ўзига хос хусусияти қуйидагича талқин қилинади:

-ўқув материаллар ўқитувчи томонидан анъанавий маърузалар сифатида, эфирга эмас, балки талабанинг ўзи томонидан мустақил ҳолда қидириб топиб олишга имкон берилади.⁸

Бу рақамли технологиялар ва интернет ресурсларидан таълим муассасасининг ўқув жараёнида фойдалана билиш ва интеграция қилиш, ҳамда уларни қўллаш натижасида касбий компетенцияларни шакллантириш имконини беради. Гамификация талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятини, ўйин ва ижтимоий мультимедиа технологиялари комбинацияси орқали ташкил этишга имкон беради.⁸

Гамификация ҳар қандай мураккаблик даражасидаги амалий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган узаро мусобақачилик ва кўрғазмалилик, визуал ёндашув ёрдамида ўқув билиш фаолиятни активлаштириш имконини беради. Ушбу рақамли технологиядан фойдаланиш ахборот қидирув фаолиятини ошириш, ахлоқий тамойиллар, эътиқодлар, ишонтира билиш, ўз-ўзини билимини баҳолаш, ва бошқа шу каби ички стимуляторларни ривожлантиришга ёрдам беради. Веб-квест бу интернет ресурсларидан фойдаланиб муаммоли вазибалар тўпламини ҳар хилдаги ролли ўйинларни ташкил қилиш орқали ҳал қилишга, асосланган рақамли технологиялардан фойдаланиш усули ҳисобланади. Веб-квест-бу ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион технологияси, ўқув фанининг турли хил муаммоларини қамраб олган, масалаларнинг анъанавий булмаган тахминий ечимларини тақлиф қилувчи жараёндир.⁹

Ушбу технология ўз олдига талабаларнинг мустақиллиги, ижодкорлиги ва танқидий фикрлашини ривожлантириш, шунингдек тарбияланувчининг мотивациясини ошириш ва уларнинг илмий ютуқларини такомиллаштириш каби вазибаларни бажаришга ёрдам беради.

6. Зайцев В.С. Современные педагогические технологии: учебное пособие. – В 2-х книгах. – Книга 1. – Челябинск, ЧГПУ. 2012. 411 с.

7. Ступина С.Б. «Технологии интерактивного обучения в высшей школе» Учебно - методическое пособие. – Саратов: Издательский центр «Наука», 2009 г. стр.52-58

8. Борытко Н.М., Соловцова И.А., Байбаков А.М. Педагогические технологии: Учебник для студентов педагогических вузов / Под ред. Н. М. Борытко. — Волгоград: Изд-во ВГИПК РО, 2006. 59 с.

Таълим соҳасидаги барча рақамли технологиялар бир қатор функцияларни бажаради, лекин уларнинг асосийлари таълим, бошқарув ва коммуникатив боғланишлар ҳисобланади. Электрон таълим соҳаси аниқлаш, ривожлантириш, таҳлил қилиш, таълим амалиёти, таржриба, масофавий таълим орқали талабалар ва ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнларини ташкил қилишни ўз ичига олади.

Бошқарув функцияси соҳаси эса ўқув тарбия кўрсаткичларни ҳисобга олишни, яъни рейтингларни, жадвалларни, диаграммаларни тузишни, шунингдек электрон материаллар ва баҳолаш тестларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Коммуникатив боғланиш функцияси таълим тарбия субъектларининг тармоқлар орқали тарбияланувчиларга бевосита таъсири билан характерланади, яъни онлайн курслар, вебинарлар, турли видеоконференциялар, видео эшиттиришлар ва ҳоказоларни ўтказиш масалаларини назарда тутади.

Хулосалар:

Таълим соҳасидаги рақамли технологияларни қўллашнинг афзаллиги ўқув жараёнини индивидуаллашуви, ва уни шахсан тарбияланувчига йўналтирилган таъсиридир. Шундай қилиб, таълим-тарбия янги босқичга кўтарилади, бунда нафақат дастур талабларига жавоб берган ҳолда ишни ташкил қилиш, балки талабаларнинг қизиқишлари ва индивидуал қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда машғулот ўтказиш усули устувор ўрин тутади. Рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш талабаларнинг дунёқарашини кенгайтиради, уларга мукамал билимларни энг оддий тузилган ва тушунарли шаклда соддалаштирилган тушунчалар кўринишида етказиб бериш учун янги имкониятлар очади. Афзалликлар қаторида қоғозли ҳужжатларни минималлаштириш, ўқитиш ва ўқитувчилар иш жараёнини енгиллаштириш, соддалаштиришни ҳам таъкидлаш мумкин. Талабалар амалий кўникмаларни ривожлантирадилар. Рақамли технологиялардан фойдаланиш таълим тарбия бериш ишининг янада юқори поғонасини эгаллаш имкониятининг мавжудлиги билан ажралиб турадиган сифат жиҳатидан янги босқичга чиқишига имкон беради.

9. Мялкина Е.В. Диагностика качества образования в вузе // Вестник Мининского университета. 2019. Т. 7, №3. С 4.

Адабиётлар рўйхати:

1. Нажмудинов Х.Г, Нажмудинова М.Х. “Применение информационных технологий в непрерывном образовании взрослых” “Наука и образование сегодня” журналы. Москва, № 3 (50) 2020 г. с. 7.
2. Нажмудинов Х.Г. «Ўқитишда ахборот технологияларини куллашнинг айрим жиҳатлари» Замонавий таълим - журналы 2021 йил №7 (104) 21 – 28 Бет.
3. Нажмудинов Х.Г. «Сиртки курсларда талабаларни ўқитиш сифатини ошириш йуллари ва воситалари» Современное образование - журналы 2022 йил. №9 (113) 20 – 28 Бет.
4. Вишневская Г.В. Технологический подход в педагогическом процессе высшей профессиональной школы// Известия Пензенского государственного педагогического университета им. В.Г. Белинского. 2008. №6 (10). С. 235-239
5. Померанцева Н.Г., Сырина Т.А. Особенности формирования иноязычной социокультурной компетенции средствами массовых открытых онлайн курсов // Азимут научных исследований: педагогика и психология. 2017. Т. 6. № 4 (21). С. 167-170.
6. Зайцев В.С. Современные педагогические технологии: учебное пособие. – В 2-х книгах. – Книга 1. – Челябинск, ЧГПУ. 2012. 411 с.
7. Муравьева Г.Е. Проектирование технологий обучения: Учеб. пособие для студентов и преподавателей пед. вузов./ Г.Е. Муравьева. - Иваново, 2001. 123 с.
8. Борытко Н.М., Соловцова И.А., Байбаков А.М. Педагогические технологии: Учебник для студентов педагогических вузов / Под ред. Н. М. Борытко. — Волгоград: Изд-во ВГИПК РО, 2006. 59 с.